

Бугунги
сонда:

"ТЕМИР ДАФТАР" ИЧИДА
НИМА ГАПЛАР? 2

Мақомнинг
МАНГУ
ЎЎЖИВАСИ 3

ТАНИШИНИГ:
ЎЗИМИЗНИНГ
ЮЛДУЗЛАР 4

Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2020 йил
24 октябрь

ШАНБА
№ 72 (13333)

@haqiqatonline

Давлат тилимизнинг обрў-эътибори

бутун халқ, бутун жамиятнинг
ОБРЎ-ЭЪТИБОРИДИР

Вилоятимиз бўйлаб Ўзбек тили байрами кун
катта тантаналар билан нишонланди. Сана
муносабати билан ташкил этилган асосий байрам
маросими Юқори Чирчиқ тумани марказидаги
буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ҳайкали
қад ростлаган муаззам майдонда бўлиб ўтди.
Бу ерда вилоят жамоатчилиги, адабиёт, фан,
спорт, санъат намояндлари, тилшунос олимлар,
талаба-ёшлар жамулжам бўлдилар.



Бундан бир йил аввал давлатимиз
раҳбарининг "Ўзбек тилининг давлат
тили сифатидаги нуфузи ва маъки-
ни тубдан ошириш чора-тадбирлари
тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниши
маънавий-маърифий ҳаётимизда улкан
тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди.
Унда она тилимизни асраб-авайлаш
ҳамда янада ривожлантириш билан бо-
ғлиқ муҳим вазифалар белгилаб берил-
ди. 2020 йил 10 апрелдаги Ўзбекистон
Республикаси Қонуни билан 21 октябрь
– Ўзбек тили байрами куну этиб бел-
гиланди. Байрам арафасида давлати-
миз раҳбари томонидан қабул қилинган
"Мамлакатимизда ўзбек тилини янада

ривожлантириш ва тил сийёсатини та-
комиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-
сида"ги Фармон ҳамда "Буюк шоир ва
мутафаккир Алишер Навоий таваллу-

дининг 580 йиллигини кенг нишонлаш
тўғрисида"ги Қарор ушбу қутлуғ айёмга
яна бир қўшалок тўхфа бўлди. Прези-
дентимизнинг ушбу сана муносабати би-

лан халқимизга йўллаган байрам табри-
ги эса барчамизга чексиз гурур-ифтихор
бағишлаши билан бирга кўнгилларга чи-
накам байрам сурурини олиб кирди.

4

Депутат минбари ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Маълумки, бундан беш йил аввал
Бирлашган Миллатлар Ташки-
лотига аъзо давлатлар 2030 йилгача
мўлжалланган Барқарор ривожланиш
кун тартибини қабул қилган эди. БМТ
Глобал кун тартибининг Барқарор ри-
вожланиш мақсадларини изчил амал-
га ошириш бўйича тизимли ишларни
ташкил этиш мақсадида 2018 йилда
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг "2030 йилгача бўлган
даврдa барқарор ривожланиш соҳа-
сидаги миллий мақсад ва вазифалар-
ни амалга ошириш чора-тадбирлари
тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.
Хукумат томонидан Барқарор ривожла-
ниш соҳасидаги 16 та Миллий мақсад ва шу
мақсадлар билан боғлиқ 2030 йилгача бўлган
даврга мўлжалланган 127 та вазифа бел-
ланган "Йул харитаси" қабул қилинган бўлиб,
унда бешинчи мақсад – Гендер тенгликни
таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ
ва имкониятларини кенгайтиришни амалга
ошириш доирасида 9 та аниқ вазифа бел-
гиланган. Хотин-қизларга нисбатан зўравон-
лик, одам савдоси, жинсий эксплуатация
ҳамда эксплуатациянинг бошқа шакллари
туғатиш, уларнинг репродуктив саломатли-
гини асраш, фаолиятини рағбатлантириш ва
бошқалар шулар жумласидандир.
(Давоми 2-саҳифада)

КИЧИК ЖАМОАНИНГ КАТТА НИЯТЛАРИ



Корхона раҳбари Мухторжон Тўй-
чиев ўзи ёш бўлгани учунми, асосан,
ёшлар билан ишлашни ёқтиради.
Ёш тадбиркор бошчилигидаги жамоа
йилга 200 тонна маҳсулот тайёрла-
моқда. Бундай натижага эришишда

Кибрай туманида жойлашган масъулияти чекланган
жамият шаклидаги "Oltin textil" корхонаси фаолиятини
бошлаганига уч йил бўлди. Айни пайтда мато ишлаб чиқаришга
мўлжалланган мазкур корхонада 55 кишининг "қозони қайнапти".

корхонага хориждан олиб
келинган 5 та замонавий
дастгоҳ қўл келмоқда.
Эътиборлиси, маҳсу-
лотлар ички бозорларимизни бо-
йитибгина қолмай, хорижга ҳам экс-
порт қилинмоқда. Йил якунига қадар
жамоа экспорт ҳажмини 100 минг
долларга етказиш ҳаракатида.
– Шу кунларда фаолиятимизни

янада кенгайтириб, мебель ишлаб
чиқарадиган цех очишни режа-
лаштиряпмиз, – дейди корхона
раҳбари. – Янги цехни 2021 йил
бошида ишга туширишни мўлжал-
ляпмиз. Натижада, яна бир неча
ёшларни иш билан таъминлаймиз.
Сухроб САДИРОВ
Тошкент ҳақиқати/
Аброр ЭСОНОВ олган суратлар

ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ туманидаги «Сурум» маҳалласи ҳудудида қиймати 14 миллиард сўмлик лойиҳа – «Шолини қайта ишлаш ва сақлаш мажмуаси» бунёд этилди. Яъни, лойиҳа доирасида замонавий заводни қуриш ва зарур технологик ускуналарни ўрнатиш ишлари якуний босқичга етди. Мазкур завод соатида 10 тонна, мавсум давомида эса 15 минг тонна шолини қуриштириш ва қайта ишлаш қувватига эга. Ҳадемай фойдаланишга топшириладиган заводда 41 та янги иш ўрни яратилади.

БЎСТОНЛИҚ тумани "Нанай" ва "Боғистон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ичимлик суви қувири ётқизилди ҳамда 350 та хонадон сифатли оби ҳаёт билан таъминланди.

"ОҲАНГАРОНЦЕ-МЕНТ" ("Евроцемент груп" холдинг) акциядорлик жамиятининг инвестиция дастури бўйича барпо этилган, умумий қиймати 160 млн. АҚШ доллари бўлган, йилига 3 млн. тонна сифатли цемент ишлаб чиқариш қувватига эга заводда замонавий ва энергия тежамкор ускуналар синовдан ўтказилмоқда.

ЯНГИЙЎЛ туманида "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" Давлат дастурлари доирасида маҳаллалардаги ички кўчаларда шағал тўкиш ва асфальт қилиш юмушлари амалга оширилмоқда. Туман ҳокимининг қарорига асосан, ФВБ ва ободонлаштириш ташкилоти ҳам-корчилигида "Чаманзор", "Дархон", "Саховат", "Кўкаламзор" маҳаллаларидаги ички кўчалар таъмирланди. Шунингдек, "Низёбош" маҳалласининг кириш қисми ҳам тадбиркорлар ҳомийлигида асфальт қилинди.

ПИСКЕНТ туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида кураш бўйича вилоят чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақада вилоятимизнинг 8 та туман ва шаҳридан 2003-2005 йилда туғилган 100 нафар ёш полвонлар иштирок этди. Чемпионат ғолибларига медал ва совғалар, шунингдек, 26-29 октябрь кунлари Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон чемпионатида йўлланма берилди.

Юксак хирмон муборак, ТОШКЕНТ!

Авваллари куз фасли Пахта "тўпалон"лари билан ўтарди. Сентябрда бошланган терим машмаси то режа бажарилгунча ёки совуқ кунларгача давом этарди. Дам олиш кунлари эса йўлларда узун автокарвонлар билан дала ҳашарчиларга тўларди. Бундан ташқари, пахта пулини ололмай, сарсон бўлганлар ва бошқа турли кўнгилсиз ҳолатлар ҳам учраб турарди.

Эътибор берган бўлсангиз, бу йил мазкур жараён ниҳоятда сокин ўтди. Хусусан, вилоятимиз пахтакорлари 231 минг 600 тонна ҳосил йиғиб олиб, маррани забт этганларини ҳам биров билиб, биров билмай қолди. Бир қарашда бундай муваффақиятга эришиш осондек туюлади, лекин унинг ортида жуда кўп одамларнинг машаққатли меҳнати ётибди...

(Давоми 2-саҳифада)

Яхши ният – ярим давлат, деганларидек, вилоятимиз пахтакорлари ҳам эрта баҳорда режаларни ортиги билан бажаралик, ҳосилимиз мўл бўлсин, дея яхши ниятда 73 минг гектар майдонга чигит қадашди. Биргина ният би-

“Бахром” фермер хўжаликларини шулар жумласидандир. – Юртбошимиз томонидан аграр соҳага берилган катта эътибор ҳамда тизимга жорий этилаётган янги лойиҳалар фермерларни бениҳоя руҳлан-тирмоқда, – дейди “Достонбек-

балки ғаллачилик, шолчилик, балиқчилик каби қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларида ишлаб чиқаришнинг кластер усули жорий этилди. Инновацион ва интенсив технологиялар қўлланилиб, худуднинг туپроқ-иқлим шароити инобатга

қишлоқ хўжалиги соҳасига кластер тизимининг жорий этилгани муҳим омил бўлапти. Қуйи Чирчиқдан сўнг, Ўрта Чирчиқ, Чиноз, Юқори Чирчиқ ва Оққўрғон тумани пахтакорлари белгиланган режани ортиги билан бажариб, “оқ ол-

ўз вақтида даланинг бошида тўла борилди. Қолаверса, илгор теримчилар мунтазам рағбатлантирилди. Қувонарлиси шундаки, пандемия сабаб иқтисодий томондан қийналган оилалар пахта терими баҳонасида яхшигина даромадли бўлишди. Жумладан, вилоятимизда қўлда терилган бир килограмм пахта учун 1 минг 200 сўмдан ҳақ тўланди. Теримчилар орасида кунига 100-120 килограммдан теранлар ҳам бор. Бундан ташқари, мавсум давомида бир оиладан 3 ва 4 нафар одам қатнашгани инобатга олсак, кўплаб оилалар миллионлаб даромад кўришгани ойдинлашди.

– Биринчи теримда бир кунда 120 килограммдан ортиқ пахта тердим, – дейди Фотиима Қурбоналиева. – Пулларимиз ўз вақтида бериб берилгани ғайратимизга ғайрат қўшди. Ҳар куни ғанимат кунлардан унумли фойдаланиб қолиш пайда бўлди. Тўғриси, пандемия туфайли, анча зерикиб қолгандик, ҳам моддий томондан қийинчиликлар бўлиб турганди. Пахта мавсумида рўзгоримизни анча унглаб олдик. Шунингдек, жорий йилда мавсумга 100 га яқин терим машиналари ҳам жалб этилиб, уларнинг ҳар бири ёрдамида кунига 30 тоннагача пахта териб олинди.

Зухриддин РАҲМОНОВ (Тошкент ҳақиқати)

Унга мувофиқ, 2030 йилга келиб, хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида аёлларнинг тўлиқ ҳамда самарали иштироки ва етакчилик қилиши учун тенг имкониятларни таъминлаш зарур. Бундан ташқари, ушбу мақсад турли даражаларда давлат дастурларини қабул қилиш жараёнида гендер тенглик таъминини жорий этишни ўз ичига олади.

Сўнги йилларда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурларнинг жойлардаги ижроси юзасидан Парламент назорати тадбирлари бу борада муҳим самарадорликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Хусусан, Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитасининг “БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш, илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги кўмига эшитишга соҳага масъул давлат органининг мазкур соҳадаги фаолияти ўрганиб чиқилди.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳаётдаги ролини ошириш бўйича Парламент қуйи палатасида қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Авваломбор, меҳнатга оид ҳуқуқларнинг кафолатлари ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уйдаги зўравонлик қурбонларига ёрдам бериш мақсадида Зўриқ ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази ва Хотин-қизлар тадбиркорлиги маркази каби янги тузилмалар ташкил топди. Шунингдек, палата ҳузурида Гендер тенгликни таъминлаш бўйича комиссия ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида гендер сиёсат борасидаги фаолият қуйидаги йўналишларда ўз аксини топмоқда:

- аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;
 - аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини жойларда парламент назорати тартибда ўрганиш;
 - аҳолининг гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқлари тўғрисида хабардорлигини ошириш.
- Ўзбекистонда бир қатор қонун ҳужжатлари, жумладан, Президентнинг хотин-қизлар ҳуқуқларини, гендер тенглигини таъминлаш, аёлларни зўравонлик ва зулмдан ҳимоя қилиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга доир фармон ва қарорлари қабул қилинди.
- Қонунчилик палатаси фракция ва кўмиталари томонидан мазкур йўналишдаги
- (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Тадбирда таъкидланганидек, бугун ахборот технологиялари кириб бормасан соҳа қолмади. Қайси бир жабҳани олмайлик қулайлик, ошқоралик ва текзорлик бобода замонавий ахборот технологиялари янгиликларининг муҳим омилига айланиб бормоқда. Шу боис, юртимизда иқтисодий фаровонликни таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш учун барча жабҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш мақсадида юқори самарали ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш масалалари алоҳида тўхталиб ўтилди. Ўз навбатида, IT-парклар фаолиятига хотин-қизларни кенг жалб этиш билан бир қаторда, аёлларни ушбу йўналишдаги таълим ва фан соҳасида рағбатлантириш, шунингдек, STEM (фан, технология, муҳандислик, математика) лабораториялари яратиш орқали уларни табиий ва техник фанлар соҳасига жалб қилиш чораларини кўриш зарурлиги ҳам таъкидланди.

Тадбир якунида кўмитамиз ҳамда Ахборот коммуникациялари ва технологияларини ривожлантириш вазирининг қўшма режиси ишлаб чиқиши келишиб олинди.

МОҲИРА ХОДЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси аъзоси

ЮКСАК ХИРМОН МУБОРАК, ТОШКЕНТ!

лан иш битмаслиги, бунинг учун режали ҳаракат қилиш лозимлигини яхши англаган масъуллардан тортиб, фермер ва миришкорлар – барча бир ёқадан бош чиқариб, экин парваришида зарур бўлган агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли адо этишга интилдилар. Табиийки, бу сая-ҳаракатлар бесамар кетмай, ҳосил кутилганидек салмоқли бўлди. Айниқса, ҳосилдорликни 40 центнерга етказган ҳамда белгиланган режани биринчи теримдаёқ бажарган фермер хўжалиқларининг сони кўпайгани қувонарлидир. Ўрта Чирчиқ туманидаги “Достонбек-Азизбек”, “Бектемир нур агро”, “Муҳиддин”, Пискент туманидаги “Олтин қир нёмати”, Оққўрғон туманидаги (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Азизбек” фермер хўжалиги раҳбари Комила Жуманазарова. – Қанча кўп меҳнат қилсангиз, даромад шунча ордидан пайт келди. Шу боис, биз жамоамиз билан астойдил ҳаракат қилдик. Шўкрки, бугун шу меҳнатларимиз мевасидан баҳраманд бўляпмиз. Қолаверса, ҳосилдорликка эришишда, пахта майдонларида сув тежовчи технологиялардан фойдаланганимиз ҳам муҳим омил бўлди. Кейинги йилда бундан яқини ҳосилдорликка эришишга ҳаракат қиламиз. Дарвоқе, Вазирлар Маҳжамасининг 2018 йил 1 декабрдаги тегишли қарори билан Қуйи Чирчиқда “ТСТ Cluster” кластери ташкил этилиб, 30,5 минг гектар суғориладиган экин майдонларининг ихтиёрига берилганидан хабарингиз бўлса керак. Натижада нафақат пахтачилик,



олинган ҳолда, зироатларнинг энг мақбул навлари танлаб экилди. Масалан, жорий мавсумда 10 минг гектар майдонда “Бухоро” ва “Султон” навлари парваришланди. Оқибатда эса, Қуйи Чирчиқ тумани бу йил вилоятда биринчи бўлиб режани бажарди. Ўтган йили ҳам улар биринчилигини қўлга киритишганди. Сир эмас, авваллари мазкур худуд пахта етиштиришда қоқоқ туманлардан бири ҳисобланарди. Мана, икки йилдирки, энг олди сафларга ўтиб олди. Бундай муваффақиятга эришилишида

тин” хирмонимиз юксалишида муносиб ҳисса қўшишди. Кези келганда айтиш керакки, бу йил пахта терими мавсумига ҳар йилгиданда пухта ҳозирлик кўрилди. Отрядлар тузилиб, зарур техника ва тиркамалар, пахта хом ашёсини қабул қиладиган пунктлар шай ҳолатга келтирилди. Айниқса, мавсумга жалб қилинган 127 минг теримчи билан меҳнат шартномалари тузилиб, уларга лардан бири ҳисобланарди. Мана, икки йилдирки, энг олди сафларга ўтиб олди. Бундай муваффақиятга эришилишида

Маҳаллий кенгашларда

КУН ТАРТИБИДА: НАРХ-НАВО БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ



Тошкент вилоятида Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларининг навбатдаги сессиялари ўтказилмоқда.



Жумладан, Оҳангарон шаҳар кенгашининг олтинчи чақириқ XVII сессиясида шаҳар ҳокими Ақром Эшонқуловнинг аҳолининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондириш ва бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш бўйича ҳисоботи эшитилди. Сектор раҳбарлари, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тадбирда мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Маълумотларга қўра, Оҳангарон шаҳрида 2021 йил май ойига қадар аҳолининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондириш ва бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш мақсадида зарурий ҳисоб-китоблар амалга оширилди. Шаҳарда аҳоли эҳтиёжига талаб этиладиган маҳсулотларни сақлаш учун қуввати 3 минг 170 тонна бўлган 7 та омборхоналар мавжуд бўлиб, май ойига қадар маҳсулотларни тўлиқ сақлаш имконига эга. Шу мақсадда жалб этиладиган 16 та тадбиркорлик субъектининг дастлабки рўйхати шакллантирилган. Уларга 500 миллион сўм кредит ресурсларини ажратиш чоралари кўрилмоқда. Шаҳар аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган

эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида Паркент туманидаги фермер хўжалиқлари билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш ишлари олиб борилмоқда. Шу кунгача 186 тонна картошка, 668 тонна пивёз, 143 тонна сабзи, 324,4 тонна гуруч маҳсулотлари, жами 721,4 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига шартнома имзоланди. Қайд этилганидек, бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш мақсадида 4 та сектор раҳбарлари бошчилигида иқтисодий комплекс ва департамент ходимлари томонидан ишчи гуруҳлар ташкил қилиниб, кунлик назорат олиб борилади. Аҳолининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондириш мақсадида деҳқон бозорларида “Элга хизмат” ярмаркалари ташкил этилапти. Шу билан бирга, шаҳардаги 21 та маҳаллада соддалаштирилган кўчма савдо масканларини ташкил этиш чоралари кўрилади. Сессияда мутасаддилар томонидан мазкур тадбирлар доирасида бозорга асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини зарур миқдорда узлуksиз етказиб берилиши ва нархлар кескин ошишининг олди олинишни таъминлаш бўйича тегишли вазифалар белгиланди. **А. МУСАЕВ,** **ЎЗА**

Бугуннинг қаҳрамонлари

ЯХШИЯМ СИЗ БОРСИЗ...

Йўлимиз тушиб, Тошкент туманининг кўп тармоқли марказий й поликлиникасида бўлганимизда, жамоанинг хурсандчилиги устидан чиқдик.

Президентимиз фармонида кўра таъсис этилган “Меҳр-саховат” кўрак нишони билан мукофотланганлар орасида мазкур поликлиникада узоқ йиллар самарали меҳнат қилган, шунингдек, пандемия шароитида алоҳида жонбозлик кўрсатган шифокорлар Шоира Бердиева ва Маҳмуджон Даминовнинг ҳам борлиги жамоани беҳад қувонтирди. Шоира Бердиева қарийб 35 йилдан бери невропатолог, туман тиббий маслаҳат комиссияси раиси, вилоят тиббий танлов комиссияси аъзоси сифатида фаолият кўрсатиб, ҳар куни қабулга келаётган 50-60 нафар беморга қўлидан келганича ёрдам беради. Айниқса, кекса ва ногиронлиги бўлган беморларни тиббий кўриқдан ўтказиш жараёнида алоҳида фаоллик кўрсатади. Бугунги кунда Ш. Бердиеванинг шогирдлари Маъмура Тошматова, Қудрат Маҳаммаджонов, Гулчехра Саидахмедова устоз шифокорлар билан бир сафда меҳнат қилишмоқда. Жамоанинг яна бир фидойи шифокори Маҳмуджон Даминов бир неча ойдан бери давом этаётган синовили кунларда ҳам касбига садоқат билан кечани-кеча, кундузни-кундуз демай меҳнат қилмоқда. – Дарҳақиқат, Маҳмуд ака коронавирусга



қарши қурашда туманимиз аҳолиси учун жон куйдириб ишлаяптилар, – дейди поликлиника бўлим бошлиғи Абдували Содиқов. – Касаллик гумон қилинган ёки вирус юктириб олган фуқаро ҳақида хабар топиши билан дарҳол ёрдамга шошилади. Беморларни тинчлантиради, ваҳимага берилмасликка қақиради. Зарур ҳолларда беморни махсус касалхоналарга олиб боришдек масъулиятли иш ҳам М. Даминовнинг зиммасида. Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги пандемия даври тиббиёт ходимлари зиммасига нихоятда залворли вазифа юклатмоқда. Улар қасамёдларига содиқ қолиб, виждон амри билан инсонлар саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Давлатимиз томонидан меҳнатлари қўллаб-қувватланиши эса уларга куч ва ғайрат бағишламоқда. **Аллома АЗИЗОВА** (Тошкент ҳақиқати)

Камбағалликни қисқартириш – долзарб масала

Жамиятимизда аёллар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш учун биринчи навбатда уларга касб-хунар ўргатиш, бандлигини таъминлаш зарур. Бу вазифани

самарали ва сифатли бажармасдан аёллар ва ёшлар манфаатлари билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий масалаларни тизимли ҳал этиб бўлмайди.

"ТЕМИР ДАФТАР" ИЧИДА НИМА ГАПЛАР?

Пандемия муносабати билан мамлакатимизда карантин чоралари кучайтирилган, эҳтиёжманд оилаларни манзилли қўллаб-қувватлаш зарурати ошган вақтда Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган “Темир дафтар”лар иш берди, давлат ёрдами йўналишида туриш, ижтимоий барқарорликни сақлаб қолиш учун асос бўлди, катта натижа берди. Ҳозирда “Темир дафтар”лар оилаларни камбағалликдан чиқариш ишларини режали ташкил этишда, рўйхатдагиларга қараб, кейинги ишларни мувофиқлаштиришда қўл келмоқда. Ёшлар ва аёллар дафтарлари ҳам касб-хунар ўргатиш, бандликни таъминлашда манзилли ёндашувни кучайтиришга хизмат қилади. – Туман ҳокимининг топишириғига асосан секторлар худудидagi кам таъминланган, камбағал аҳолини камбағалликдан чиқариш учун мақсадли ишларни амалга ошириш режаси тузилди, – дейди Чиноз тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими раҳбарининг биринчи ўринбосари Узу-



кой Набиева. – Ҳар бир сектор раҳбари ўз худудида камбағал аҳолини қўллаб-қувватлаш чораларини кўраётти. Айтиш керакки, ёрдам кўрсатиш деганда, фақат кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг ҳолидан хабар олишгина эмас, балки бандлик, тиббиёт, таълим билан боғлиқ муаммоларни ҳамкор ташкилотлар билан ҳал қилиш ва уни назоратга олиш ҳам кўзда ту-

тилган. Айни пайтда оилаларнинг имкони ва хоҳишига қараб уларнинг ҳонадонларида кичик иссиқхоналар ташкил қилинмоқда, товуқ ва чорва моллари олиб берилиб, аҳоли, айниқса, ёшлар бандлиги таъминланмоқда. “Каттапепалик” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Маҳаллий тадбиркорлар оилаларни камбағалликдан олиб чиқишда катта ёрдам беришмоқда. Яъни, тадбиркорлар камбағал оилаларга бириктирилиб, ҳонадон аъзоларига ишбилармонликдан сабоқ беришмоқда. Бу ёшларнинг хунармандчилик ёки тадбиркорликнинг у ёки бу турда иш бошлашлари учун яхши имкон бўлиб, уларда ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан кўникма шаклланади. – Маҳаллада жами 2 минг 38 нафар аҳоли истиқомат қилади, шундан 873 нафари меҳнатга лаёқатлилар, – дейди маҳалла раиси ўринбосари Марям Султонова. – 24 та камбағал оила “Темир дафтар”га киритилган эди, июнь ойида 11 таси бу рўйхатдан чиқарилди. Мазкур оилалардаги 7 нафар хотин-қиз тикувчилик фабрикасига ишга жойлаштирилди. – Анчадан бери ишга жойлашолмай сикилиб юргандим, – дейди ўзини Дилобар Зухурова деб таништирган аёл. – Ўзим ҳам тикувчилик қилишни хоҳлардим. Бошида иш бир оз қийин бўлди. Чунки, уйдаги тикув машинаси билан фабрикадагиси бир-бирдан тубдан фарқ қилади. Кейинчилик ишга шўнғиб кетдим. Ҳозир энг илгор тикувчиларданман. Рўзгоримиз ҳам анча тикланди. “Каттапепалик”да бир кун бўлиб, аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича қилинаётган ишлардан кўнглимиз тўлди. Кейинги келганимизда яна кўп ўзгаришлар бўлишига ишониб, улар билан хайрлашдик. **Сурайё АҲМЕДОВА**

Сарҳисоб

ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда Давлат активларини бошқариш тизимига катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2019 йил 14 январдаги «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан ташкил этилган агентлик олдига давлат активларини самарали бошқариш бўйича ягона давлат сиёсатини юритиш вазифаси юклатилган.

Хусусан, ўзига берилган давлат иштирокидаги корхоналар устав капиталдаги давлат акциялари пакетлари (улушлари) бўйича акциядор (таъсисчи ва иштирокчи) ҳуқуқларини амалга ошириш, илгор хорижий тажриба асосида давлат иштирокидаги корхоналарда замонавий корпоратив бошқарув шакл ва усулларини жорий қилиш, уларни бошқаришда кузатув кенгаши ва акциядорларнинг ролини тубдан ошириш, юртимизда давлат активларидан самарали фойдаланиш, давлат акциядорлик жамиятлари ҳамда корхоналарида корпоратив бошқаруви ташкил этиш, шунингдек, давлат манфаатларини таъминлаган ҳолда, давлат акция пакетларини (улушларини) ишончли бошқарувага берилган орқали инвестиция фаолиятини амалга ошириш каби бир қатор вазифалар шулар жумласидандир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги виллоят ҳудудий бошқармасида ҳам 2020 йилнинг 9 ойи давомида фармон ижросини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, виллоятда 242 та давлат иштирокидаги корхоналар мавжуд бўлиб, шундан 100 таси фаолият кўрсатмаётгани аниқланди. 142 та хўжалик бошқарув органлари қарорлари асосида 2019 йилда ҳисобланган соф фойданинг тегишли қисмини давлат бюджетига ўтказиш белгиланди. Бунинг натижасида, корхоналардан 586 млрд. 46 млн. сўмдан ортиқ дивидент давлат бюджетига тўланиши белгиланган бўлиб, ҳозирга қадар бу маблағнинг 531 млрд. 359 млн. сўмдан кўпроги тўлаб берилган. Бундан ташқари, «Узпахтасаноат» АЖ тизимидаги 21 та соҳага оид бўлмаган активларни оммавий савдога чиқариш бўйича ишлар амалга оширилди.

2020 йил 3 чорак якуни бўйича агентлик жами 128 та хўжалик жамиятларининг бизнес режа параметрлари бажарилиши юзасидан 68 та корхона томонидан топширилган бизнес режаларни таҳлил қилиб, қайта ўзнатди. Шунингдек, шу муддат ичида 26 та бозор ва савдо комплексларини

сотиб олиш истагини билдирган инвесторлар рўйхати шакллантирилди.

Хабарингиз бор, Президентимизнинг 2018 йил 11 октябрдаги «Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2019 йил 19 февралдаги «Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, шунингдек, виллоят ҳокимининг қарорига асосан давлат объектларини 1 сўмга тенг қийматда бошланғич нархда, инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар шартли билан сотиш белгиланди. Шунга қўра, жорий йилда 72 та давлат объекти 1 сўмга тенг қийматда бошланғич нархда юқоридagi шарт билан электрон савдо майдончаси орқали сотилди. Ушбу объектлар тўлиқ ишга туширилса, 96,7 млрд. сўм миқдорда инвестиция маблағлари ўзлаштирилиши ва 2 минг 281 та иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. Шундан жорий йилнинг 9 ойи якуни бўйича 67 та давлат объекти ишга туширилди ҳамда 1 минг 856 та иш ўрни яратилди. Умумий ҳисобда ҳудудда «ноль» ва «бир сўм» харид қийматида инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни киритиш шартли билан сотилган объектларда ҳозирги кунда қурилиш-монтаж, асбоб-ускуналар ўрнатиш ишлари давом этмоқда. Шунингдек, агентлик мутасаддилари мавжуд муаммоларни ўрганиб, ўз тақлифларини билдиришган.

Эътиборга молик жиҳати, агентликнинг ҳудудий бошқармаси зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг моддий аҳолийни яхшилаш бўйича молиявий соғломлаштириш «Йул харитаси»ни ишлаб чиққан. Таҳлил натижаларига қўра, виллоят бўйича зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ноҳор ҳолатдаги 56 та давлат иштирокидаги корхоналар аниқланган. Жорий йилда имкон қадар уларни молиявий соғломлаштириш кўзда тутилган.

Сухробжон САДИРОВ,
Тошкент ҳақиқати/

Дунёда миллий мақомчилик анъаналарини яратган олган халқлар санокли. Биз ўз донишмандлиги, тафаккур ва заковатини азалдан миллий мусиқа санъатида намойён эта олган ана шундай кам сонли миллатлар қаторида эканимиз билан ҳақли равишда фахрланасак арзийди.

Мақомни эшитганимизда қалбимизда ажиб ҳислар уйғонади. Ундаги дард, оҳанг, ранг-баранглик руҳиятимизга сокинлик олиб киради. Мусиқанинг таъсири, сеҳри ана шундай қудратга эга. Зотан, мақом санъатини халқнинг мусиқий энциклопедиясига қийслайдилар. Биз, таъбир жоиз бўлса, мана шу таърифта қўшимча қилиб, миллий мақом санъати миллат қиёфаси ва маънавий оламнинг ноталарда чизилган суваратидир, дегимиз келади.

Миллий мақомларимизда халқимизнинг қадимий тарихи, маънавий дунёси, бадий фалсафаси, руҳи муҳжасам. Шу боис неча асрдики, мақом бебаҳо маданий мерос сифатида ардоқланиб келинмоқда. Бинобарин, бугун муштарак санъатимизни чуқур ўрганиш, унинг нозик сир-асрорларини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 6 апрелдаги «Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида»ги Қарорлари ўзбек муштарак мусиқаси тарихида янги даврни бошлаб берган муҳим ҳужжатлар бўлди. Бу ҳужжатларда мақом санъатини янада ривожлантириш ва уни бутун дунё бўйлаб тан олиншига имкон яратиш борасида муҳим вазифалар белгиланган.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, мақом ижрочилиги, бахшичилик ва катта ашула йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаси – Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти

ташкил этилиб, айни пайтда мазкур олий даргоҳ ўз зиммасига юклатилган масъулиятни шараф

Мақомнинг МАНГУ Мўъжизаси

билан уддалашга интиломоқда. Мақом санъати бўйича билим ва тушунчалар, тарихий ва миллий анъаналарни пухта эгаллаган ёш кадрларни тайёрлаш ҳамда таълим жараёнига замонавий педагогик ва инновацион технологияларни, маданият ва санъат соҳасида илм-фан бўйича эришилган тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 6 апрелдаги «Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида»ги Қарорлари ўзбек муштарак мусиқаси тарихида янги даврни бошлаб берган муҳим ҳужжатлар бўлди. Бу ҳужжатларда мақом санъатини янада ривожлантириш ва уни бутун дунё бўйлаб тан олиншига имкон яратиш борасида муҳим вазифалар белгиланган.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, мақом ижрочилиги, бахшичилик ва катта ашула йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаси – Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти

Саънат

бу мактаблар мақом санъатини бошланғич босқичда ўргатуви илк таълим даргоҳларидир. Шундай экан, бу даргоҳларда мақом назарияси ва амалиётини қандай ўргатиш керак ва бунда соҳа мутахассисларининг ёндошуви ва эътибори, аввало, нимага қаратилиши керак? Айнан шу

билан асослаб берди.

– Мақом ўқитиш жараёнини уч босқичда амалга ошириш, олдинчи босқичда мақом назарияси ва амалиётини қандай ўргатиш керак ва бунда соҳа мутахассисларининг ёндошуви ва эътибори, аввало, нимага қаратилиши керак? Айнан шу билан асослаб берди.

– Мақом ўқитиш жараёнини уч босқичда амалга ошириш, олдинчи босқичда мақом назарияси ва амалиётини қандай ўргатиш керак ва бунда соҳа мутахассисларининг ёндошуви ва эътибори, аввало, нимага қаратилиши керак? Айнан шу билан асослаб берди.

– Мақом ўқитиш жараёнини уч босқичда амалга ошириш, олдинчи босқичда мақом назарияси ва амалиётини қандай ўргатиш керак ва бунда соҳа мутахассисларининг ёндошуви ва эътибори, аввало, нимага қаратилиши керак? Айнан шу билан асослаб берди.

– Мақом ўқитиш жараёнини уч босқичда амалга ошириш, олдинчи босқичда мақом назарияси ва амалиётини қандай ўргатиш керак ва бунда соҳа мутахассисларининг ёндошуви ва эътибори, аввало, нимага қаратилиши керак? Айнан шу билан асослаб берди.



Сулҳониддин Қўлиқов, Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти раҳбари

Бир сўз билан айтганда, бундай кўламли илмий-амалий анжуман бошланғич мақом таълимининг методологиясига бағишланган учрашувларнинг дебюти бўлиб, унда илгари сурилган фикр ва тавсиялар шу соҳада фаолият олиб бораётган миллий мусиқамиз фидойилари ва шайдолари учун ўзига хос дастуриламал вазифасини бажаради, десак адашмаган бўлармиз.

Вебинарда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси маданият вазири О. Назарбеков мақом таълимидаги муаммолар ҳақида тўхталиб, кўлаб истеъдодли созанда ва хонандаларнинг мусиқий саводи йўқлиги таълим жараёнидаги оғриқли нуқталардан бири эканини таъкидлаб ўтди. Бу борада ихтисослашган мактаб-интернатларда назария ва амалиётни ёнма-ён олиб бориш ва келгусида миллий мусиқа институтидаги ҳар бир йўналишда «Ўзбек модели»ни яратиш гоёсини илгари суриб, бошланғич таълим даргоҳлари ўзбек миллий мусиқасининг ядроси бўлиши кераклигини илмий ва ҳаётий мисоллар

Янгилик

Табийй бўёқ манбаи бўлган индигофера тўсимлигини «ранглар қироли» дея таърифлашади. Қадим-қадимдан бу ўсимликдан матоларни, ранги ўчмайдиган тарихий обидаларимизнинг мовий гумбазлари қосинларини бўяшда фойдаланилган. Бугунги кунда ҳам индигофера тўқимачилик саноатида жуда қадрланади. Чунки, «деним жинси»лари айнан унинг табийй рангларида бўялади.

«РАНГЛАР ҚИРОЛИ» - ИНДИГОФЕРА

КЛАСТЕРДА ЕТИШТИРИЛДИ



Аммо, мазкур ўсимлик эътиборсизлик туфайли юртимиз табиатидан йўқолиб кетган эди. Яқинда «ВСТ Cluster» кластерлари раҳбари, иқтисодиёт фанлари доктори, сенатор Муртазо Раҳматовнинг саъй-ҳаракати билан индиго уруғи хориждан олиб келиниб, дастлаб Бухорода кўпайтирилди. Бу йил

Куйи Чирчиқ туманидаги «ТСТ Cluster»нинг қарийб 80 гектар майдонида экилди. Ҳозирда ўсимликнинг уруғи ва бўёқ олиш учун биомассалари йиғиб олиниш арафасида.

Айни пайтда индигоферани қайта ишлаб, бўёқ тайёрлаш мажмуасининг қурилиш ишлари ҳам якунланмоқда.

Тошкент виллоят ҳокимлиги жамоаси виллоят ҳокимининг биринчи ўринбосари

Баҳодир МУЛЛАХОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент виллоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси ҳамда Чирчиқ тиббиёт коллежи жамоаси коллеж директори

Эркин ҲАСАНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изхор этади.

Давлат хизматлари агентлиги Тошкент виллоят бошқармаси жамоаси Зангиота тумани ФХДЭ бўлими мудираси Умида Хусановага отаси

Эминжон ЭҒАМБЕРДИЕВнинг вафоти муносабати билан таъзия изхор қилади.

"ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИ"ДА ҚАЙИҚЛАР "РАҚСИ"

Тошкент денгизида байдарка ва каноэ ҳамда параканоэда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.



бидан ўрин эгаллаган 800 нафарга яқин эшак эшувчи рақобатлашди.

Яқинда виллоятимиз жамоаси биринчи погонани

эгаллади. Тошкент шаҳри ва Самарқанд виллоят жамоалари иккинчи ҳамда учинчи ўриндан жой олишди.

КОРРУПЦИЯНИ ЖИЛОВЛАШ

инсон манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш демакдир

Мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш энг муҳим вазифалардан экан, бу борада нафақат масъул идоралар, балки кенг жамоатчилик ҳам яқдил бўлиши талаб этилади.

Шундан келиб чиқиб, қаердадир таъмағирлик, порахўрлик ҳолатларига дуч келсак, лоқайд бўлмай, бу иллатни таг томири билан қуритишга қаратилган саъй-ҳаракатларга қўшилишимиз керак.

Таҳлилларга мурожаат қилсак, БМТ ва Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига қўра, жаҳон иқтисодиёти коррупция туфайли йилга 1,5-2,6 триллион долларга зарар кўрмоқда. Бу жуда катта рақам. Айни рақамлардан коррупция дунё миқёсида глобал муаммолардан бири сифатида тараққиётнинг қушандаси эканлигини англаш мумкин.

Эндиликда коррупцияга қарши курашиш мақсадларига фақат ташкилий-ҳуқуқий воситалар билан эришиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Ўйлаيمизки, ривожланиш қушандаси бўлган бу иллатга қарши курашда нафақат давлат ташкилотлари, балки, барча фуқаролар масъулдир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: «Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, «ҳалоллик вакцинаси» билан эмланмас экан, ўз олдимишга қўйган юксак марраларга эриша

олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақат олдини олишга ўтишимиз керак». Шундай экан, давлат ва жамоат ташкилотлари бу иллатнинг олдини олиши ва унга қарши курашда ҳамжиҳат бўлиши самарали натижаларга эришишнинг энг мақбул йўли ҳисобланади.

Ҳозирги глобаллашув замони, минтақалар ва давлатлараро интеграция жадаллашиб бораётган мурракаб бир шароитда коррупция барча мамлакатларда ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқариб, жамиятни ич-ичидан емириб, пароканда қилиб ташлашга қодир куч эканлигини турли воқеа-ҳодисалар мисолида кўришимиз мумкин.


Бинобарин, бугун каттами-кичикми, бойми-камбағалми, қудратлими-кучсизми биронта давлатни коррупциядан ҳоли ҳудуд, деб айтолмаймиз.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши кескин ва муросасиз кураш олиб борилмоқда. Хусусан, «Коррупцияга қар-



ши курашиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Президентимиз «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонни имзолади. Мазкур ҳужжат билан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилиши юртимизда коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини янада ошириш, энг юқори даражадаги қўлай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий имижини ошириш ва мустақамлашга қаратилганлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Равшан АБДУАЗИМОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича
Ўрта Чирчиқ туманлараро суди раиси



ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 24 октябрь кунини Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-5, кундузи 15-17 даража илқ бўлади.

Тошкент виллоятда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-8, кундузи 13-18 даража илқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, тоғолди ва тоғли туманларда ёғингарчилик бўлади (ёмғир, қор ёғади). Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2 даража совуқ, 3 даража илқ, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

– Президентимиз табригида алоҳида таъкидланганидек, халқимиз эзгу ниятлар, баланд марраларни кўзлаб, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишга бел боғлаган экан, бу йўлда биз учун энг катта таянч, руҳий қувват ва маънавий шижоат манбаи, энг аввало, она тилимиздир, – дейди тадбирда сўз олган Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир. – Зотан, аждодларимиз, ота-болаларимиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзларини айтиб келганлар.

да она тилимизда фаолият юритадиган унлаб боғчалар, мактаблар, маданият-маърифий муассасалар, кутубхоналар ташкил этилди. Вилоятимиз янги қиёфасини шакллантиришда кўча ва хиёбонлар, маиший иншоотлар, савдо нуқталари, пешлавлаларда давлат тили қоидаларига риоя қилинишига катта аҳамият берилди. Байрам арафасида вилоятнинг марказий кўчаларида, аҳоли гавжум масканларида, шаҳар ва туман марказларида, хиёбон ва майдонларимизда ўзбек тилини улугловчи ҳикматли сўзлар ва она тилимизни алқовчи кўргазмалар ҳештер,



Давлат тилимизнинг обрў-эътибори

бутун халқ, бутун жамиятнинг обрў-эътиборидир



Шу тилда буюк маданият намуналарини, улкан илмий кашфиётлар, бадиий дурдоналарни яратганлар. Дунёда ўзбек тилида сўзлашувчилар нумузи 50 миллион кишидан ортиқ. Бугунги кунда хоржий давлатлардаги 65 та олий ўқув юртида тилимиз ва адабиётимиз ўрганилаётгани, албатта, барчамизга гуруру ва ифтихор бағишлаши керак. Бу она тилимизнинг дунёдаги йирик тиллардан бирига айланиб бораётганидан далолат беради.

Тантанали маросимда қайд этилганидек, кейинги йилларда вилоятимиз (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

фото-тарғибот материаллари, баннерлар жойлаштирилди. Сўнги бир йилда вилоятимизда ижод қилаётган шoir ва ёзувчиларнинг, олимларнинг 80 дан ортиқ китоблари чоп этилди. Шундан тўрттаси луғат, 20 дан ортиги илмий ва илмий-оммабоп асарлар, яна 20 таси шеърлий тўпламлардир.

Вилоятимизда тил бойлиги ва жозибасининг яққол кўринишларидан бири бўлган фольклор санъати юксак даражада ривожланмоқда. Сузамоллик, топқирлик ва самимийликка йўғрилган халқ оғзаки ижоди, хусусан, бахши, жирон, уланчиликда Тошкент воҳаси-

нинг ўзига хос мактаби бор. Таъбир жоиз бўлса, айна пайтда Ўзбекистонда фольклор ижодкорлиги давом этаётган иккита ҳудуд бор. Уларнинг бири Бойсун бўлса, иккинчиси Оҳангарондир.

Байрам муносабати билан вилоят ҳокимлиги, маданият бошқармаси, "Маънавият ва маърифат" маркази билан биргаликда тайёрланган катта бадиий-музика композицияда вилоятимиздаги бой адабий муҳит, халқ оғзаки ижоди ва музика санъатининг бой ва бетакрор қирраларини намойиш этишга алоҳида ургу берилганини иштирокчилар катта ҳаяжон ва олқишлар билан қарши олдилар.

Вилоятимиздан етишиб чиққан санъат усталари Тошпўлат Матқаримов, Озода Нурсайдова, Зоҳида Умарованинг она юрти, эзгу қадриятларимизни улугловчи куй-кўшиқлари, вилоят "Мақом" ансамбли хонандаларининг муштароқ санъатимиздан қилган ижролари барчага байрамона хушқайфият улашди.

Маросимда бир гуруҳ тилимиз жонқуярлари, хусусан, маънавият, адабиёт, маданият-маърифий соҳалар вакиллари вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиги ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, яна бир гуруҳ вилоятдошларимизга "Маънавият фидойиси" кўркак нишонлари тантанали вазиятда топширилди.

Маросимда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Сайфиддин Низомов, Акмал Умаралиев иштирок этди.

Мансур ҲИММАТОВ
олган суратлар

ТАНИШИНГ: ЎЗИМИЗНИНГ ЮЛДУЗЛАР

Сўнги йилларда вилоятимизда спортда эришилётган ютуқлар салмоғи ортиб бормоқда. Ҳозирги кунга келиб, кўплаб спортчиларимиз мамлакатимиз терма жамоаларининг етакчиларига айланиб улгуришган. Биз куйида вилоятимиздан етишиб чиққан ва машхурлик даражасига эришган спортчилар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

ЭЛНУР АБДУРАИМОВ:

март ойида бокс бўйича Иорданиядаги лицензион турнирда иштирок этиб, "ТОКИО-2020" олимпиадасининг йўлнамасини нақд қилиб улгурди. 26 ёшли вакилимиз учун ушбу олимпиада биринчиси бўлади. Аслида, 2015 йилда Қатар давлатида бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатида бронза медални қўлга киритган боксчимиз 2016 йилги ёзги олимпиада уйинларида иштирок этиши керак эди. Бироқ, яна бир боксчимиз Хуршид Тожибоев ҳам айнан шу вазн тоифасида олимпиада йўлнамасини қўлга киритган, ХОҚ ушбу вазнда фақат битта ҳамюртимиз иштирок этиши мумкинлигини таъкидлагандан сўнг, мураббийлар Хуршид Тожибоев номзодини маъқуллаганди. Элнур учун эса уша мусобақа армон бўлиб қолганди. Аммо, боксчимиз тушунлиққа тушмади. Қайтага қатор халқаро мусобақаларда иштирок этиб, голиб ва совриндор бўлди. Айниқса, 2017 йилда Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионатида қўлга киритган олтин медални карьерасидаги энг қадрли ютуқларидан бири деб ҳисоблайди.



ВАДИМ МЕНЬКОВ:

канозда эшак эшиш бўйича терма жамоамизнинг ҳақиқий лидерларидан бири – нурафшонлик қаҳрамонимиз минг метрлик баҳсларда 2008 йилдан буён чемпионликни қўлдан бермай келаяпти ва мутлақ рекордчи саналади (2006 йил Доха, 2010 йил Гуанчжоу, 2014 йил Инчон, 2018 йил Жакарта). 33 ёшли спортчимиз 2009-2010 йилларда кетма-кет 2 марта жаҳон чемпионатида ҳам зафар кучган. Шунингдек, 2008-2012 йилларда бўлиб ўтган ёзги олимпиада уйинларидаги муносиб иштирокини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. В. Меньков жорий йил баҳор фаслида "ТОКИО-2020" олимпиадасига саралаш мусобақасида иштирок этиши керак эди. Бироқ, пандемия сабаб мусобақа номаълум муддатга қолдирилди.



ДИЛНОЗА РАҲМАТОВА:

умидли, ёш спортчи Чирчиқ Олимпия захиралари коллежини тугатган. Бир қанча халқаро мусобақаларда голиб ва совриндорлар қаторида эътироф этилган. Хусусан, 2018 йилги Осиё уйинларида канозда эшак эшиш бўйича Нилуфар Зокирова (жуфтлик, 500 метр) билан бирга кумуш медални қўлга киритди. Шунингдек, 200 метрга сузишда эса бронза медалига сазовор бўлди. Спортчимиз учун 2019 йил ҳам муваффақиятли бўлди. Боиси, Дилноза Венгриянинг Чегед шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Нилуфар Зокирова билан жуфтлик (200 метр) баҳсларида бронза медални қўлга киритишди. Қушимча равишда 500 метр масофада бешинчи ўринни эгаллаб, Токиода ўтадиган олимпиада уйинларида қатнашиш имкониятига эга бўлди.



ДОСТОНБЕК ҲАМДАМОВ:

Ўзбекистоннинг энг иқтидорли футболчиларидан бири. 2015 йилда Осиёнинг "Энг яхши ёш футболчиси" деган олинган Достонбек 1996 йилда Бекобод туманида таваллуд топган. У жамоадолари билан биргаликда 2012 йилда 16 ёшлилар, 2018 йилда 23 ёшга бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионатларида голиб бўлган. Бундан ташқари, бир неча бор Ўзбекистон чемпиони, кубоги ва суперкубоги соҳиби бўлган. Бир муддат Россиянинг "Анжи" клубида уйнаб қайтган футболчимиз ҳозирда "Пахтакор" клуби сафида ажойиб ўйин намойиш этмоқда.



Сухробжон САДИРОВ
/Тошкент ҳақиқати/
тайёрлади

Биллур Бисотдан



Одил ҲЎБОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ХОЛ

(этнод)

Раҳматли бувим она товуққа ўхшаган, невар, эвара, чевараларини бағридан чиқармайдиган, меҳрибон, мулойим бир кампир эдилар.

У киши ёшлигида хушрўй бўлганлар, кўзлари катта-катта, лабининг устида, бурнининг чап томонида нўхатдек қора холи бор эди.

Узун қиш кечалари биз бувимларнинг бошидан кечирган сарғу-заштларини, биринчи эридан чеккан жафоларини (у киши уч марта турмуш қурган, шунинг учун ҳам неваралари уйига сикмас эди!) этимиз жимирлаб эшитардик.

Эсимда бор, бир куни катта холамнинг бўйига етган қизи кампирни кучқлаб:

– Бувижон! – деди эркаланиб. – Кошқийди, худо шу хусни-жамолингизни, мана бу қора холингизни менга берса!

Бувим бошини чайқаб кулим-сирадилар, сўнг:

– Ҳасад қилмай қўяқол, жон қизгинман! – дедилар маънос. – Бу ҳол ўлгур бошимга қанақа савдоларни солмаган, айлансин бувинг!

Иқтибос

МАТБУОТ ЭҲТИЁЖИ

"... Агар юз йилдан кейин икки соатгина мана шу дунёга қайтиб келиш имкони берилса, мен ҳеч иккиланмай, ЦУМ ёнидаги газета киоскасига бориб, ўша замон газет-журналлари, ўша даврдаги ҳамкасбларимиз ижоди, улар кўтарган мавзулар билан танишган ва албатта... газеталарнинг тиражи билан қизиққан бўлар эдим."

Матбуотимиз жонқуяри,
устоз Аҳмаджон Мелибоев
билан суҳбатдан.



Ривоят қилишларича, ёш келинчақ уйига келиб, онасига эрининг хиёнатига ҳақида айтиб йиғлади. Онаси бир оз ўйланиб турди-да, маслаҳат берди:

– Эринг нотўғри йўлдан қайтиши учун менга йўлбарсининг тукини келтиришинг керак.

Бу гапни эшитган қизнинг кўзлари катта-катта очилди:

– Ахир... қандай қилиб? Онажон, у йиртқич махлуқ бўлса...

– Эринг сенга вафодор бўлишини чин дилдан истасанг, бошқа йўл йўқ. Бўлмаса, ихтиёринг.

Қиз нима қилишини билмай, роса уйланди, охири бир қўйни сўйдирди-да, унинг гўштидан олиб, йўлбарсни излаб, йўлга тушди. Бир ўрмонга етиб келди. Узоқдан бир йўлбарс кўринди. Келинни кўрқув босди, гўштни йўлбарс

томон улоқтириб, ўзи яшириниб олди. Йўлбарс емишни йўл-йўлакай ямлаб ютиб, ўтиб кетди. Келин бу ишни бир неча кун такрорлади: кундан-кунга йиртқич хайвонга яқинроқ бориб, гўшт ташлайдиган ва натижада унинг олдида бемалол борадиган, ҳатто ёнида

ўтириб силайдиган бўлди. Бир куни йўлбарсининг тукидан олди-да, онаси ёнига шошилди.

– Онажон, мана, айтганингизни олиб келдим, – деди хурсанд ҳолда.


Бундан она ҳам мамнун бўлди. Қизини ёнига ўтказиб:

– Қизим, энди уйинга бор, – деди хотиржам. – Мана шу ёввойи йиртқич хайвоннинг тилини топиб, меҳрини

Ҳикмат излаганга...

Менга... "ковид" ёқди

Очиғи, менга "ковид" ёқди ва ундан кўп нарсани ўргандим: Бир йилда икки марта соғлиққа эътибор бериш кераклигини англадим; Қайфият ёмон бўлса ҳам яхши нарсаларни қўлиб эслашни ўргандим; Яқинлардан ҳол-аҳвол сўрашга одатландим; Бойлик, мансаб – ҳаммаса ўтқинчи эканлигига амин бўлдим; Энг муҳими, ҳар лаҳза Аллоҳдан омонлик тилашга одатландим; Ҳаётни, умрни нақадар бебаҳо неъмат экан, деб қадрига ета бошладим; Бемор ётганларни ҳис қилишга одатландим, уларга ёрдам қўлини чўзишга бел боғладим. Ўзингизни эҳтиёт қилинг!



Шоира ИСОҚОВА,
психолог

Шанба сабоқлари

қозона олган аёл, нахотки эрини рози қила олмаса?..

Бу гап келинга қаттиқ таъсир қилди, эрининг нотўғри йўлга юришига ўзи ҳам сабабчи эканини англади, бир оз ўйланди-да:

– Онажон, тушундим, энди муносабатларим сиз айтгандай бўлади, – деди уйига шошилди.

Қиссадан ҳисса: эрак ҳам, аёл ҳам – инсон, ширин сўзнинг гадоси. Меҳр-муҳаббатимиз изҳори, икки дунёимизни саодатбахш этгучи ширин гапимизни бир-биримиздан аямайлик. Зеро, қаловини топсак, қор ҳам ёнади.

Завқиддин ОРИПОВ

ҚАЛОВИНИ ТОПДИ

Муассис:
**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ**

Бош муҳаррир
**Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ**

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи – 205. Буюртма Г-1043, 4 422 нусхада чоп этилди. Ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 233-64-95
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Электрон почта: toshkenthqiqat@gmail.uz

ISSN 2010-9318. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 20.20 1 2 3 4 5 6

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Манзилимиз:
111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги офисимиз:
100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи муҳаррир
**Кумуш
ЭГАМБЕРДИЕВА**
Назоратчи мусахҳи
Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи
Зухриддин РАҲМОНОВ